

Президент Шавкат Мирзиёев 1 декабрь куни экспорт салоҳиятини ошириш ва тадбиркорларнинг давлат хизматларидан фойдаланишни соддалаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Унда 2030 йилга қадар мамлакатимиз экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш мақсад қилингани, изланишлар таҳлилига қўра қўрилиш материаллари, енгил sanoat, электротехника, озиқ-овқат, маиший кимё, машинасозлик ва металлургия оид йўналишларда улкан имкониятлар борлиги билдирилди.

Шу билан бирга, Савдо-саноат палатаси ҳузурида тадбиркорлар учун барча давлат ва хусусий хизматларни бир жойга жамлайдиган “Бизнес ҳамроҳ” марказларини очиш тақлиф қилинди.

Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, уларни янада такомиллаштириш ва ижросини таъминлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.



№93 (946)
2025 йил 2 декабрь,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Ҳар бир инсон тақдири эътиборда



Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан юртимизнинг барча ҳудудларида “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши бошланган эди. Сурхондарёнинг 5 та ҳудудида ҳам ана шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Термиз туманидаги Янги обод маҳалласида қад ростлаётган майдон 64 гектарни эгаллайди. Массив тўлиқ фойдаланишга топширилгач, 5 минг нафар аҳоли яшаши учун шароит яратилади.

► 2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Халқаро конгресс марказида ўтказилган анжуманда Бюрократияни бартараф этиш бўйича янги дастур ишга туширилгани маълум қилинди. Форум доирасида вазир ўринбосари Озода Жўраева Бирлашган Араб Амирликларининг қурилиш ва энергетика вазирлари билан F2F учрашувлар ўтказди.



Меҳмонларга қурилиш ва коммунал соҳада олиб борилаётган рақамлаштириш сиёсати ва бюрократик тўсиқларнинг қисқартирилиши бўйича маълумот берилди. БАА вазирлари Ўзбекистондаги ислохотларни юксак баҳолаб, қурилиш стандартлари, рақамли бошқарув, “ақли шаҳар” лойиҳалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишди. Таъкидланганидек,

ушбу халқаро форум бу йўналишдаги ислохотларни халқаро даражада намойиш этиш, ҳамкорликни кенгайтириш ва янги ташаббусларни илгари суриш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Истикболда биргаликда амалга ошириладиган ҳамкорлик лойиҳалари, хусусан, қурилиш ва коммунал соҳасига сунъий интеллектни жорий этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Анджон вилоятида фаолият юритаётган йирик қурилиш ташкилотлари вакиллари Янги Тошкент ҳудудида олиб борилаётган бунёдкорлик жараёнлари билан танишдилар.



Ташриф давомида делегация янги турар жой массивларида қўлланилаётган лойиҳа ечимлари, замонавий қурилиш технологиялари ва инфратузилма билан боғлиқ амалий тажрибани кўздан кечирди.

Учрашувлар жараёнида қурилиш жараёнининг сифат назорати, хавфсизлик талаблари, лойиҳа интизоми ва аҳолига қулай шароит яратиши бўйича илгор ёндашувлар муҳокама қилинди. Маъқур ўрганишлар ҳу-

дудларда олиб борилаётган уй-жой дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, Янги Тошкентда йўлга қўйилган бошқарув модели, босқичма-босқич амалга оширилаётган қурилиш жараёнлари ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини жорий этиш тажрибаси билан яқиндан танишилди. Олинган амалий билимлар ҳудудларда барпо этилаётган янги массивларда қўлла-ниши кутилмоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Глобал яшил ривожланиш институти ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги вакиллари билан Ўзбекистоннинг Париж келишув доирасидаги мажбуриятларини бажаришни кучайтириш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида бинолар, иситиш ва совутиш тизимлари, коммунал хизматлар инфратузилмаси ҳамда иссиқхона газлари чиқиндиларини камайитириш бўйича устувор йўналишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, амалдаги сиёсат ва стратегиялар, МРВ маълумотлари ҳолати, мавжуд бўшлиқлар ҳамда соҳада салоҳиятни ошириш

эҳтиёжлари кўриб чиқилди. Томонлар Париж келишувининг 6-моддаси бўйича ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш, келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган пилот ташаббусларни белгилаш ва KOICA томонидан ишлаб чиқилаётган лойиҳа концепциясини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашди.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида давлат дастурлари ижроси, уй-жой қурилиши ҳамда коммунал соҳадаги ишлар ҳолати юзасидан танқидий-таҳлилий йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Раҳмонов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Ж. Жабборов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори Д. Шодмонов ҳамда вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Ж. Умаровлар иштирок этди. Шунингдек, йиғилишда туман ва шаҳар ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, соҳа ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари, қурилиш-пудрат ташкилотлари масъуллари, шунингдек, “зоом” платформаси орқали тегишли ташкилотлар вакиллари қатнашди. Кун тартибидан

ўрин олган масалалар доирасида давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган қурилиш ишлари, янги кўп қаватли уйлар барпо этилиши, мавжуд инфратузилмани ривожлантириш жараёнлари ҳамда кўп қаватли уй-жой фондига коммунал хизматлар кўрсатиш тизимидаги мавжуд муаммолар атрофида таҳлил қилинди. Мажлис давомида инспекция бошлигининг биринчи ўринбосари Ж. Жабборов сўзга чиқиб, қурилиш жараёнларида аниқланаётган камчиликлар, буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назорати ҳамда пудрат ташкилотларининг ички назорат механизмлари етарли даражада ишламаётгани бўйича батафсил маълумот берди.

Жиззахда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда “ЎзГШКЛИТИ” лойиҳа-қидирув институти ҳамкорлигида “Шаҳарсозлик фаолиятида инновацион технологияларни қўллаш” мавзусида ҳудудий кўргазмали семинар ўтказилди.

Тадбирда шаҳарсозлик жараёнларини такомиллаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда муҳандислик-техник ечимларни ривожлантиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ҳудудий инфратузилмани экологик, фазовий ва муҳандислик талаблари асосида модернизация қилиш, қурилиш жараёнларида рақамли картографик базалардан фойдаланиш, буз-борот тизимларини кенг жорий этиш бўйича фикр алмашилди.

Семинар давомида муҳандислик изланишларида замонавий технологиялардан – учувчисиз учиш аппаратлари,

масофадан зондлаш ускуналари, геотехник қурилмалар имкониятларидан фойдаланиш бўйича амалий тажрибалар тақдим этилди. Шунингдек, сифат назорати жараёнларини кучайтириш, метрологик хизматларни такомиллаштириш, ижро ҳужжатлари ва топографик маълумотларни марказлаштиришнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди. Лойиҳалаш амалиётида БИМ технологиялари ва сунъий интеллектдан фойдаланиш, буз-масдан текширув усуллари, шунингдек, замонавий турар жой мажмуаларини барпо этишда намунавий лойиҳалардан фойдаланиш бўйича илгор тажрибалар иштирокчиларга намойиш этилди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан 2025-2026 йиллар қўш-қўш мавсумига тайёргарлик жараёнлари изчил кўздан кечирилмоқда.



Шу доирада инспекция мутахассислари “Навоий сув таъминоти” АЖ Қизилтепа тумани бўлими тасарруфиди “Обод диёр” ва “Яшнаобод” сув йиғиш ҳамда тарқатиш иншоотларида бўлиб, уларнинг фаолияти ва техник ҳолати ўрганилди. Мазкур иншоотлар

туманда аҳолига тоза ичимлик сувини узлуксиз етказиб беришда муҳим бўлган ҳисобланади. Ҳудудий инспекция томонидан қўш-қўш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари жараёнларини назорат қилиш босқичма-босқич давом эттирилмоқда.

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Денов туманида барпо этилаётган 5 қаватли супермаркет биносида режали назорат текшируви ўтказилди.



Ўрганиш жараёнида қурилиш ишлари амалдаги метёрий ҳужжатлар асосида кетаётганлигига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, қурилиш майдонида тез ёнувчи ва қурилиш чиқиндиларининг тўлиқ тозаланмаганлиги,

объектнинг ертўла қисми учун бетон қуйиш бўйича лаборатория ҳулосаси мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан масъул пудратчи ташкилотта белгиланган тартибда мажбурий кўрсатмалар берилди.

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ва Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳамкорлигида Боёвўт туманида мавжуд кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи “Боёвўт уй-жой коммунал сервис” бошқарув сервис компанияси фаолияти ўрганилди.

Ўрганишлар давомида 24/7 тартибда ишловчи авария диспетчерлик хизмати тўлиқ ташкил этилмагани, қолаверса, мулкдорлар томонидан қилинадиган мурожаатларни рўйхат-олиш китоби юритилмаганлиги ва

бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли БСК раҳбарига нисбатан маъмурий баённома тузилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мажбурий кўрсатмалар берилди.

1-бет

Ҳар бир инсон тақдири эътиборда



Термиз туманида илгари 300 хонадондан иборат бор йўғи 17 та кўп қаватли турар жой бўлган. Уларнинг аксарияти эски, икки ва тўрт қаватли бўлиб, шароит ва инфратузилмаси ҳаминқадар эди. Янги обод маҳалласида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массиви худуд қиёфасига ўзгача кўрк бағишлаш бошлади. Шунга таъкидлаш керакки, мазкур массивда турар жойлар билан бир қаторда ёш тадбиркорлар учун санаот зоналари қурилади.

Лойиҳага кўра, бу ерда 18 та кўп қаватли уй-жойлар, битта 1 320 ўринли умумтаълим мактаби, 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва Термиз давлат педагогика институтининг 2 та 1500 ўринли ўқув биноларини қуриш ишлари давом этапти. Инсон қадри учун деган эзгу гоя асосида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари худуд аҳолисининг қувончига сабаб бўляпти.

Маълумотларга кўра, бу йил Сурхондарёда 11 минг 46 хонадонли 246 та уй-жой қурилиб фой-

даланишга топширилади. Уларнинг 5 минг 956 хонадонли 101 таси уй-жойга талаб юқори бўлган худудларда, 5 минг 90 хонадонли 145 таси айнан “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилмоқда.

Кум барханлари устида марварид шодаси каби бирин-кетин бунёд этилаётган турар жойларда аҳоли учун барча зарур инфратузилма яратилмоқда. Файзли ва тароватли замонавий массивлар бир ҳақиқатдан далоят беради. Юртимизда инсон қадри барча нарсалардан устун албатта, бу массивлар юзлаб оилаларнинг ҳаётини ўзгартириб қувонч улашади.

Массив М-39 автомагистралининг бўйида жойлашган. Илгари бу худуд қумлиқдан иборат бўлган чўл эди. Ҳаттоки, қишлоқ ҳўжалигида ҳам фойдаланиб бўлмади. Лекин бугунги кунга келиб, бу ерда гўзал бир шаҳарча бунёд бўляпти. Таъкидлаш керакки, аҳоли учун турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши билан бирга бу ерда яшилликни кўпайтиришга катта эътибор қаратилган. Мутахассисларнинг фикри-

ча, массивда 10 минг тупдан ортиқ дарахт кўчатлари экилиб, томчилаиб сугориш тизими йўлга қўйилган.

Ангор туманидаги Шарқ гули маҳалласида 4 йил ичида 27 та 5 қаватли бинолар қуриб битказилди. Инсон ўзининг шахсий уйига эга бўлса ишида барака, қалбида хотиржамлик бўлади. Туманда қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги турар жойларнинг меъморий ечимини ҳам пухта ўйланган режа асосида амалга оширилган. Кўп қаватли уйларнинг биринчи қавати савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари учун ажратилиши тадбиркорлик билан шугулланмоқчи бўлган юртдошларимиз учун қулай имкониятлар яратмоқда. Массивда битта болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди, яна биттасида эса қурилиш ишлари давом этапти. 990 ўринли умумтаълим мактаби ҳам қад ростламоқда. Қурилиш ва бунёдкорлик манзилига айланган худудга 11,5 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, жами 43 та уйлар қурилиши режалаштирилган.

Биргина 2024 йилнинг ўзида 10 дан зиёд кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилди. Аҳоли анча зич ашайдиган туманлар учун бундай массивлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Уйларнинг сифати ва таннархи ҳам халқимиз имкониятларига мос эканлиги эътиборли.

Термиз катта автомагистраль йўлига туташ жойдан массивга кириб келинадиган йўллар асфальт қилинди. Ангор тумани савдо мажмуаси орқали бу йўлдан туман марказига бориш мумкин бўлади. Ҳокимият, кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси, маъмурий биноларнинг барчаси шу ерда жойлашган. Рақамларга эътибор қаратсақ, ушбу массивда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 1,5 километр ичимлик суви тармоғи, 4,8 километр оқова сув тармоғи тортилди. Электр энергияси ва трансформатор пунктлари ўрнатиш ишлари тўлиқ якулланди.

Худуднинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, массивда “яшил белбоғ”лар ташкил қилиш, уйлар атрофида турли мевали ва манза-

ралари дарахт кўчатлари экиб, уларни сугориш тизимлари ҳам эътибордан четда эмас. Бугун бу ерга келган киши одамлари самимий, агрофи яшилликка бурканган инфратузилми ривожланган кичик бир шаҳарчага тушиб қолгандек сезади ўзини.

Мазкур массивда умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз бугун ўзининг доимий турар жойига эғалигидан бахтиёр. Хуллас, Сурхондарёда кечагина уй-жой қайғусида ўйланиб юрган юртдошимиз бугун шинамгина уйига меҳмон қақиряпти.

Бугун мамлакатимизда ҳар бир инсон тақдир эътиборда. Аҳолининг кенг қатлами учун замонавий уй жойларга эга бўлиш имконияти яратилгани халқимиз турмуш даражасини ошириш ва фаворонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. 2026 йилгача вилоятда 6 минг хонадонли 238 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режа қилинган. Бу эса халқни рози қилиб, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

ТАШАББУС АМАЛГА ОШГАНДА ЁХУД ДЕНОВДА ЙЎЛЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkoti” мухбири.

Юртимизда сўнгги йилларда фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги долзарб муаммоларни аҳолининг ўзи танлаши ва давлат маблағлари айнан шу йўналишга йўналтирилишини таъминлаш тизими тобора тақомиллашиб бормоқда. “Ташаббусли бюджет” жараёни бугун нафақат муаммоларни ҳал этиш, балки маҳаллаларда ижтимоий фаоллик, ҳамжиҳатлик ва демократик бошқарув маданиятининг шаклланишида ҳам катта аҳамият касб этмоқда.



“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2025 йилги мавсумида Сурхондарё вилоятининг Денов тумани аҳолиси ҳам фаол иштирок этди. Туманда мавжуд бўлган юзлаб маҳаллалар орасида энг кўп овоз тўплаган ташаббуслардан бири сифатида Чўнтош маҳалласининг 2,5 километр масофадаги автомобиль йўлини асфальт қопламаси билан таъмирлаш лойиҳаси ғолибликни қўлга киритди. Аҳоли томонидан билдирилган тақлиф ва кўплаб овозлар эвазига ушбу лойиҳа учун 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди.

ИШЛАР ЖАДАЛИК БИЛАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугунги кунда лойиҳанинг амалий ижроси бошланган. Ҳозир маҳаллада асфальт қилиш учун тупроқ қатламни текислаш, йўл асосини мустаҳкамлаш, коммуникация линияларини тартибга солиш ишлари олиб бориляпти.

Лойиҳани Фаррух Сафаров бош-

чилигидаги Сурхондарё вилояти қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази давлат муассасаси назорат қилмоқда. Мақсад – белгиланган 40 кун ичида йўлларни сифатли тарзда фойдаланишга топшириш.

Мутахассисларнинг айтишича, лойиҳанинг бажарилиши натижасида маҳалла ички йўлларининг ўтказувчанлиги бир неча баробар ошади, транспорт ҳаракати енгиллашади, айниқса, мактабга қатновчи ўқувчилар ва ишга бориб-келувчи аҳолининг кундалик ҳаёти сезиларли даражада қулайлашади.

ИШОНЧ МЕВАСИ

Чўнтош маҳалласи аҳолиси мазкур лойиҳа учун овоз берар экан, энг аввало, кўп йиллардан бери етарлича эътибор қаратилмаётган йўллар масаласи биринчи ўринда турганини таъкидлашди.

– Йўллар – маҳалла ҳаётининг томири, – деди маҳалла оқсоқоли Сўҳроб Садиев. – Аҳолининг аксарияти ўз овозини айнан шунга бериб, муаммони баргараф этишни муҳим, деб билди. Ташаббусли бюджет лойиҳаси одамларни бириктириди, уларда “биз ҳам ўз маҳалламизни ўзгартира оламиз” деган ишончни кучайтирди. Ҳозир олиб борилаётган ишлар айнан шу ишончнинг меvasидир.

– Бу йўллар туфайли кўп йиллар кийналдик, – деди маҳалла фаолларидан бири Мухаммади Еров. – Ёгин-сочинли кунларда айниқса, бу йўлларда юриш мушкул бўлиб қоларди. Бугун эса ниҳоят ўзимиз танлаган лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу биз учун катта қувонч. Энг муҳими, жараён ошқора, ҳамма кўриб турибди, ҳар бир ишни халқнинг ўзи назорат қилмоқда.

АҲОЛИ ОВОЗИ – МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МЕЗОНИ

Ташаббусли бюджет тизими амалда аҳоли фикрининг нақадар кучли эканини яна бир бор исботлади. Денов туманидаги Чўнтош маҳалласида амалга оширилаётган лойиҳа мисолида шунини кўриш мумкинки, ҳар бир тўғри танланган овоз, ҳар бир фаол иштирок маҳалла келажагини белгилайди.

– Бугун Чўнтош маҳалласида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа ёшлар учун ҳам катта имконият яратаяди, – деди ёшлар етакчиси Шерзод Нусратуллаев. – Биринчидан, янги асфальт қилинган йўл пйёда ва велосипедда ҳаракатланиш учун қулай. Иккинчидан, йигит-қизларнинг ўқиш ва иш жойларига етиб бориши осонлашади. Биз ёшлар ҳар доим янгилиниш, ўзгариш ва тараққиёт тарафдоримиз. Шу маънода, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали айнан аҳолининг ўзи танлаган лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётгани бизни руҳлантирмоқда. Энг асосийси, жараёнда ёшларнинг билгани ҳам инobatта олингани – бизга бўлган ишончнинг белгисидир.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу каби ташаббуслар фақат инфратузилмани яхшилашга хизмат қилиб қолмай, балки одамлар ўртасида бирдамлик, масъулият, ҳамкорлик муҳитини ҳам мустаҳкамлайди. Қолаверса, Чўнтош маҳалласидаги йўл қурилиши нафақат транспорт ҳаракатини енгиллаштиради, балки маҳалла ҳаётининг сифатини оширишга ҳам хизмат қилади.

МЕҲНАТГА МУҲАББАТ – ОБОДЛИККА ЭЛТАР

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkoti” мухбири.

Шофиркон тумани тўғрисида гап кетса, кўз ўнгимизда нафақат Бухоро вилояти, балки республикамиз миқёсида ишбилармон ва тадбиркор, ҳаттоки, тош устида гул ундиришни эплаган кишилар гавдаланади.



Асосий мутахассислиги иқтисодчи бўлган Файзулла Қобилов ҳам ана шундай тадбиркорлардан. Бугун у 160 нафар доимий, 100 нафар мавсумий ишчини банд қилган ҳолда республикамизнинг бир қанча худудларида ўнлаб объектларни қуриб битказишда фидойилик кўрсатмоқда.

2021 йили “Иншоот бизнес строй” ва “Mega Golden Invest Baraka” масъулияти чекланган жамиятларини ташкил қилгач, Шофиркон туманидаги маҳаллалар ижтимоий инфратузилмасини янгилашга киришди. Қўчаларни обод қилиб, аҳоли учун зарур шароитларни яратишга бел боғлади. Шундан сўнг, Тошкент вилоятининг 5 та туманидаги ўндан ортиқ маҳаллада ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини амалга оширди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги қошидаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан, Ромитан туманида 1800 иш ўринга мўлжалланган ил йигирув фабрикасини қуриб битказгач, Тошкент шаҳрида “Анҳор локомотив” паркинни, Чирчиқ шаҳрида темирйўл вокзали ҳамда Навоий тоғ-металлургия комбинати буюртмаси билан Бўстонлиқ туманидаги “Торняк” болалар дам олиш оромгоҳи ва санаториясини мукамал таъмирлаб, қўшимча биноларни тиклаб, фойдаланишга топширди.

кўрсатилганига мос келмас эди. Тадбиркор Файзулла Қобиловнинг тақлифи билан лойиҳа ўзгартирилгач, объект қуриб битказилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғиротдан Мўйноқ туманигача бўлган 104 километр масофада ичимлик суви қувурини тортиш ҳамда ён-атрофини ободонлаштириш, Қашқадарё вилоятидаги Гузур ва Нишон туманларида юқори босимли газ тармоғини янги лойиҳа асосида қуриш ишлари ҳам шу тадбиркор бошчилигида амалга оширилди.

Шу кунларда эса жамоа ишчи-хондими асосий эътиборни пойтахт вилоятининг Бекобод тумани марказида қад ростлаётган 2,5 гектарли истироҳат боғини қуриб битказишга қаратган. Аввалдан мавжуд бўлган, сўнгра ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача боғда 3 та фаввора, 4 та 350 метрли йўлак ва ёритиш чироқлари, 500 ўринли амфитеатр, 2 та болалар ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Шу кунларда эса жамоа ишчи-хондими асосий эътиборни пойтахт вилоятининг Бекобод тумани марказида қад ростлаётган 2,5 гектарли истироҳат боғини қуриб битказишга қаратган. Аввалдан мавжуд бўлган, сўнгра ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача боғда 3 та фаввора, 4 та 350 метрли йўлак ва ёритиш чироқлари, 500 ўринли амфитеатр, 2 та болалар ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Шу кунларда эса жамоа ишчи-хондими асосий эътиборни пойтахт вилоятининг Бекобод тумани марказида қад ростлаётган 2,5 гектарли истироҳат боғини қуриб битказишга қаратган. Аввалдан мавжуд бўлган, сўнгра ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача боғда 3 та фаввора, 4 та 350 метрли йўлак ва ёритиш чироқлари, 500 ўринли амфитеатр, 2 та болалар ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Шу кунларда эса жамоа ишчи-хондими асосий эътиборни пойтахт вилоятининг Бекобод тумани марказида қад ростлаётган 2,5 гектарли истироҳат боғини қуриб битказишга қаратган. Аввалдан мавжуд бўлган, сўнгра ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача боғда 3 та фаввора, 4 та 350 метрли йўлак ва ёритиш чироқлари, 500 ўринли амфитеатр, 2 та болалар ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Шу кунларда эса жамоа ишчи-хондими асосий эътиборни пойтахт вилоятининг Бекобод тумани марказида қад ростлаётган 2,5 гектарли истироҳат боғини қуриб битказишга қаратган. Аввалдан мавжуд бўлган, сўнгра ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача боғда 3 та фаввора, 4 та 350 метрли йўлак ва ёритиш чироқлари, 500 ўринли амфитеатр, 2 та болалар ташландик холга келиб қолган мазкур объект тендерда ютиб олингач, шу йилнинг август ойида у ердаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Қоровулбозорда экологик барқарорлик ошмоқда

Ислом КАРИМОВ,
Қоровулбозор тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

Сўнгги йилларда Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида амалга оширилаётган ободончилик ва муҳандислик инфратузилмасини такомиллаштириш ишлари туфайли туман маркази томорқа ерларини сўғориш муаммоси ўз ечимини топмоқда.



Илгари бу ҳудудда оқар сув деярли йўқ эди, аҳоли асосан ер ости ҳавзаларига таяниб яшар, бу эса, тупроқ таназули ва кўкаламзор майдонлар камайишига сабаб бўларди. Эндиликда бу ҳолат ортда қолмоқда.

Қоровулбозорнинг иқлими иссиқ, шомоли ва қуруқ бўлгани учун ҳар бир ниҳол ва кўчат қўшимча парвариш талаб қилади. Шу боис, ҳудуддаги ободончилик ва яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш борасида оқар сув манбаларига боғлиқлик ўта юқори. Кейинги икки йил давомида туман марказидаги бир қатор маҳалларда инфратузилма тубдан янгиланиб, аҳолининг кўп йиллик орзуси, яъни томорқаларга барқарор равишда сув етказиб бериш тизими йўлга қўйилди.

Туман марказида жойлашган Имом Бухорий, Чўлуқвар ва Тинчлик маҳалларида 73 та кўп қаватли уйд 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шунингдек, шахсий хонадонга эга қарийб 3 минг оила борки, улар ихтиёридаги 15 гектардан ортиқ томорқа майдонлари йиллар давомида сувсизликдан жабр кўриб келарди. Ҳолатни бартараф этиш мақсадида масъул идоралар томонидан махсус лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалий ишлар бошланди. Таҳлил ва ўрганишлардан кейин туман ҳудудидан ўтувчи Қоровулбозор магистрал канали асосий манба сифатида белгилаб олинди. Бир йил муқаддам мазкур каналдан маҳалла марказигача 1 километр масофага полиэтилен қувур тортирилди. Қувур темирйўл остидан хавфсиз ўтказилиб, ички тармоқлар билан уланди. Шу орқали дастлаб 200 дан зиёд хонадон оқар сувдан фойдалана бошлади.

Лойиҳа бу йил янада кенгайтирилди. "Вихого сув қурилиш инвести" давлат унитар қорхонаси буюртмаси асосида амалга оширилган лойиҳа-

нинг умумий қиймати 2,5 миллиард сўмни ташкил этди. Пудратчи ташкилот "Sardor elegant stroy montaj" МЧЖ мутахассислари қарийб 2 километр узунликдаги янги сўғориш қувурларини ўрнатиб, 400 миллиметрли магистрал полиэтилен қувурни туман марказининг учта йирик маҳаллигача етказишга муваффақ бўлдилар. Қувурлар 17 метрлик табиий қияликдан оқиб келаётган сувни насосларсиз, бевосита аҳоли томорқаларига етказиб беради.

Бу жараёнда 250 метрли бетон ариқ ҳам қурилиб, 15 гектар майдондаги томорқа ерларини мунтазам сўғориш имконияти яратилди. Мазкур гидротармоқнинг ишга туширилиши нафақат томорқалардаги ишни енгилаштирилади, балки ҳудуднинг экологик ҳолатига ҳам яқини бўлишига сабаб бўлади. Аҳоли, маҳалла фаоллари, ёшлар томонидан оммавий дарахт экилиб, туман маркази кун сайин яшил қиёфа касб этмоқда. Томорқаларда сабзавот, полиз, боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш имкони анча кенгайди. Бу эса, оила-ларнинг озиқ-овқат захирасини мустақамлайтиди, бозордаги маҳсулотлар нархининг барқарор бўлишига ҳам хизмат қилади. Жараёнда кўп қаватли уйлар атрофидаги бўш ерлар ҳам қайта тикланиб, обод майдонларга айлантирилмоқда.

Қоровулбозор тумани айрим ҳудудлари учун узок йиллар орзу бўлиб келган оқар сув масаласининг ҳал этилиши фақат техник ёки ҳўжа-ликдаги ютуқ эмас. Бу, аввало, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши, экологик барқарорликнинг ошиши, ёш авлод учун соғлом муҳит ярати-лиши демакдир. Туман марказида бошланган бу хайрли ишнинг келгу-сида бошқа ҳудудларга ҳам намуна бўлиши кутилмоқда.

“ТОЗА ИССИҚХОНАЛАР” Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари қандай ечимларни таклиф этмоқда?



АМАЛИЁТДА САМАРАСИ ҚАНДАЙ?

Ҳақиқий иссиқхоналарда ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики:

- Ташки ҳарорат -3...-7 °C бўлса ҳам, янги плён-кали иссиқхонада ички ҳарорат барқарор +5...+7°C ни ташкил қилади (оддий плёнкалар билан эса фақат 0...+2 °C);
- Қишда бу қўшимча иситишсиз ёки минимал иситиш билан ишлаш имконини беради;
- Езда эса аксинча, иссиқхона ичидаги ҳарорат 6-9 °C га тушади, бу ўсимликларни ортқча қизиб кетишдан ҳимоя қилади ва стрессни ка-майтиради.

Қучайтирилган инфрақизил нур оқими ҳисобиға фотосинтез тезлашади ва ўсимликлар 1,5-2 барабар тезроқ ўсади. Синов натижаларига кўра:

- иситиш учун энергия сарфи (газ, кўмир, мазут ва бошқалар) 60-80 фоиздан ортққ камаяди;
- Шунинг билан бирга, иссиқхона ҳўжалигида ёқилги ёқилишидан чиқадиган ифлосланти-рувчи газлар умуман бўлмайди;
- Ҳосилдорлик 35-50 фоизга ортади;
- Сўғориш суви сарфи 30 фоизга, гидрогеллар ишлатилганда эса 90 фоизгача камаяди;
- Плёнкалар мустақамлиги тахминан 3 бара-вар ошади, бу эса пластик чиқиндилар миқдо-рини камайтиради.

ЖАМИЯТ ТАЛАБИ ВА ЭКОЛОГИК КУН ТАРТИБИГА ЖАВОБ

– Ўзбекистон ҳўкумати иссиқхоналарни тоза энер-гия манбаларига ўтказиш ва чиқиндиларни қискар-тириш бўйича муҳим чоралар кўраётган бир пайтда, Фанлар академияси Материалшунослик институти томонидан яратилган ушбу технология шуни кўрса-тадики, мамлакатимиз нафақат чанг ва тутун оқибат-ларига қарши курашади, балки экологик инновацион аграр технологиялар соҳасида дунёга ўзининг илғор ечимларини таклиф қила олади, – дея таъкидлади Ўз-бекистон Фанлар академияси вице-президенти, про-фессор Сирожиддин Мирзаев.

Бундай нанокөмпозит плёнкалар:

- иссиқхона ҳўжалиқларига газ ва кўмир еткази-зиб беришга боғлиқликни кескин камайти-риш имконини беради;
- энергия тизимиға юкни камайтиради;
- “зарарли” иссиқликдан ҳоз кечтиш ҳисобиға пойтахт ва вилоятларда ҳаво сифатини яхши-лашга тўғридан тўғри ёрдам беради.

Ушбу ишланма мамлакатимиз учун “тоза иссиқ-хоналар” соҳасида технологик етакчилардан бири бўлиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, фермерларни қўл-лаб-қувватлаш ва атмосфераға чиқиндиларни реал камайитириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Ўз муҳбиримиз.

АТМОСФЕРАГА ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАН 100 дан ортиқ объект фаолияти тўхтатилди

Райхона ХўЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkoti” муҳбири.

Ҳозирда Махсус комиссия томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан Тошкент шаҳри ва атрофида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи объектлар фаолиятига чек қўйиш юзасидан рейд тадбирлари олиб борилмоқда.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Давлат экологик назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Икром Тагаев жорий йилнинг 24-28 ноябрь кунлари ўтказилган рейд натижалари ҳақида маълумот берди.

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:

- **иссиқхона фаолияти бўйича:** 1449 та ис-сиқхона ўрганилиб, 67 тасининг фаолияти тўхтатилди ва 403 нафар шахсга маъмурий баённома расмийлаштирилди. 19 та иссиқ-хона ҳўжалиқларига “Худудга таъминот” АЖ филиаллари томонидан газ тармоқларига ула-ниш учун техник шартлар тақдим этилди;
- **қурилиш объектлари бўйича:** Тошкент шаҳри-да 6,3 гектар майдонни эгаллаган 53 та ноқо-нуний қурилиш объекти аниқланди ва улар-

ни тезкорлик билан бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. 186 та ҳолатда атмосфера ҳавоси ифлослантирилган ва 235 та қурилиш объектининг 25 фоизи кўкаламзорлаштирил-магани маълум бўлди. 34 тасининг қурилиши вақтинча тўхтатилди, 188 нафар шахс маъму-рий жавобгарликка тортилди. 51 та объектта сув пуркажи ўрнатилди;

- **автотранспорт воситалари бўйича:** юкни тент билан ёпмасдан ҳаракатланган 837 та, атмо-сферани мейёрдан ортққ зарарлаган 206 нафар ҳайдовчиға маъмурий жарима қўлланилди;
- Тошкент вилоятида жойлашган дарё ва сой-лардан ноқонуний қум-шағал қазиб олиш бўйича 54 та ҳолат аниқланиб, айбдорлар-ни жавобгарликка тортиш чоралари қўрил-моқда.

Шунингдек, микроқлим барқарорлигини таъ-минлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, 496 километр ҳудудга тенг 77 та кўча ва 165 жамоат жойларига сув сепилиб, намлантилди. 45 та каналдан сув олувчи 322 километр узунликдаги 121 км ариқлар тозаланди, 126 та фаввора ишга туши-рилди.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Тош-кент шаҳар ҳавосининг ифлосланиш даражаси бир-мунча камайишиға эришилди. Хусусан, ПМ 2,5 майдо зарарчаларининг ўртача миқдори 24 ноябрь соат 18.00 ҳолатиға 171 микрограмм/метр кубга етган бўлса, бу кўрсаткич 25 ноябрь куни 152 микрограмм/метр кубга, 26 ноябрь куни 140 микрограмм/метр кубга, 27 ноябрь куни 111 микрограмм/метр кубга, 28 ноябрь куни эса 97 микрограмм/метр кубга камаяди.

Гидрометеорология хизмати агентлиги хабари-ға кўра, 29 ноябрдан мамлакат ҳудудида совуқ ан-тициклон кучайиши ва унинг таъсири 5 декабрғача сақланиб туриши кутилмоқда. Бу – инверсия ҳодиса-ларининг кучайиши ва ҳавонинг ифлосланиш кўрсат-кичларини маълум даражада ошишиға олиб келиши мумкин.

Махсус комиссия томонидан кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2025 йил 28 ноябрдаги 687-сонли буюртманомасига асосан “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2025 йил 28 октябрдаги 591-сонли буюртманомасида кўрсатилган 36-5-14а-сонли савдо шохобчаси ва 2025 йил 16 октябрдаги 583-сонли буюртманомасида кўрсатилган 44-28-сонли савдо дўконлар техник хатотик сабабли ўзгартирилди, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган қолган қуйидаги савдо шохобчаларининг ижараға олиш ҳуқуқи танлов савдоға қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	44-28-сонли, умумий майдони 28,0 м² бўлган савдо шохобчаси	280 000 000
2.	19-6А-сонли, умумий майдони 24,0 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
3.	12-15-22А-сонли, умумий майдони 9,0 м² бўлган савдо шохобчаси	54 000 000
4.	36-5-14А-сонли, умумий майдони 48,0 м² бўлган савдо шохобчаси	168 000 000
5.	3-21-1-сонли, умумий майдони 6,0 м² бўлган савдо шохобчаси	21 000 000
6.	4-21-7-сонли, умумий майдони 6,0 м² бўлган савдо шохобчаси	21 000 000
7.	42-14-сонли, умумий майдони 18,0 м² бўлган савдо шохобчаси	108 000 000
8.	44-21А-сонли, умумий майдони 12,0 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талаб-горлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қа-бул қилишининг охири мuddати: 2026 йил 2 январь куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 6 январь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келиш-ув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такро-ри савдопар 2026 йил 20 январь ва 3, 17 февраль кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйи-даги ҳужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилган иштирокчидаги гувоҳноманинг нусхаси;

жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижараға олиш ҳуқуқининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги суммаси закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг ХАТБ қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топ-ширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маълум топилган талабгорға савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода ўткази-ладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. и Телефон: 71-237-23-82.

Фахрийлар

Меҳнаткаш устоз

Шерзод НИЗАМОВ,

Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Ўз соҳасида катта ютуқларға сазовор бўлиб келаётган ҳар бир мутахассиснинг устози бўлади, албатта. Унинг тажрибаси, маҳорати ва билими туфайли шогирдлар ҳам юксалишда давом этадилар. Бугун юртимиз бунёдкорлиги соҳасида ўз ўрниға эҳадана шундай устозлардан бири – Мансур Шағаевдир.



Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Мансур Шағаев 1947 йил 25 февраль куни Тош-кент шаҳрида зиёлилар оиласида та-валлуд топган. 1973 йилда Тошкент по-литехника институтини архитектура мутахассислиги бўйича тамомлаган. Қурилиш ва архитектура соҳасида 55 йиллик тажрибига эға малакали му-тахассис иш фаолиятини 1970 йилдан ТашЗНИИЭП институтида бошлаб, ар-хитектор, катта архитектор лавозимла-рида ишлаган.

1976-2018 йиллар мобайнида Тош-кент шаҳридаги А. Қодирий ва Қора-сарой кўчалари кесишмасидаги вило-ят Марказий банк биноси, Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали, Губкин номидаги нефть ва газ университети филиали, Жаҳон тиллари университети, ИНҲА уни-верситети филиали бинолари, Навоий кўчасидаги “Шедевр” турар жой маж-

муаси қурилишида гуруҳ раҳбари ва бош архитектор лавозимларида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Кўплаб шогирдларнинг қадрли устози 2000-2004 йилларда Тошкент шаҳар Архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳар бош архитектори, 2006-2009 йилларда Х. Асамов номидаги “УзЛИТ-ТИ” ЕАЖ бош директори, 2010-2018 йилларда “Ўзғирсаноатлоийҳа” ОАЖ институти бош архитектори сифатида меҳнат қилган.

2018 йилдан бутунги кунға қадар соҳада катта тажрибаға эға малакали мутахассис “Gold Step Invest” МЧЖ ди-ректорининг лойиҳа масалалари бўй-ича маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиб, юртимиз бунёдкорлик тараққи-ётиға катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Мансур Шағаев 2018-2025 йил-ларда Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида жойлашган кўп тармоқли

“IT PARK” мажмуаси лойиҳаси, Муҳам-мад Ал-Хоразмий номидаги Ахборот коммуникация технологиялари йўна-лишиға оид фанларни қуқураштираиб ўқитишға ихтисослашган Президент мактаби, “Янги Тошкент” ҳудудида Низомий номидаги педагогика уни-верситети, Тошкент вилоятида Прези-дент мактаби, Бўстонлик туманидаги “Ҳожикент” МФЙ ҳудудида дор йўли, Жиззах вилояти Зомин туманидаги дор йўли қурилиши, кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишида лойиҳачи ва бош архитек-тор сифатида фаолият олиб борди.

Қурилиш ва бунёдкорлик соҳаси-нинг фахрийси, малакали устоз бутун-ги кунда ҳам ёш мутахассисларға қу-рилиш ва бунёдкорлик, бош режалар, конструктив ечимлар, архитектура ва қурилиш ечимлари, ёнғин хавфсизли-ги бўйича ўзидаги бор билимини ўрга-тиб келмоқда.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 19 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Сўх туманида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва туманга сайёҳларни кенг жалб этиш юзасидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ушбу ҳудудда комплекс ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.

Видеоселекторда давлатимиз раҳбари: "Сўх дарёсининг Сариканда, Ровон ва Истиклол маҳаллалари ҳудудидан ўтган 5 километр қисмда курорт зона ва кўнгилочар маскан ташкил қилинса, йилга 30 минг сайёҳ келади. Бунинг ҳисобига 200 та оиланинг даромади ошади", - дея таъкидлаган эди. Мазкур вазибалар ижросини таъминлаш бўйича амалиётга йўналтирилган ишлар бошланди. Шу мақсадда туманга Бизнесни ривожлантириш банки, Фаргона вилояти ва туман ҳокимлиги масъулларидан иборат ишчи гуруҳ ташриф буюриб, Сўх дарёсининг 5 километр бўйи бўйлаб ўрганиш ишларини амалга оширди. Гуруҳ аъзолари Сариканда, Ровон ва Истиклол маҳаллаларида бўлиб, ҳудуднинг туризм салоҳияти ва мавжуд имкониятларини атрофича ўрганишди.

Таъкидланишича, мазкур ҳудудда туризмни жадал ривожлантириш мақсадида мастер режа ишлаб чиқилади. Лойиҳа доирасида Сўх дарёсининг 5 километр қисми бўйидаги 130 гектар майдонда курорт-соғломлаштириш ҳамда кўнгилочар масканлар барпо этиш режалаштирилган.

Мастер режада қуйидаги йўналишлар назарда тутилади:

- дарё ўзани бўйлаб 5 километр узунликда пиеда ва велобўлақлар барпо этиш;
- 12 гектар майдонда замонавий соғломлаштириш ва туризм комплекси қуриш;
- 1 гектар ҳудудда жойлашган эски дам олиш маскани негизда замонавий туризм объектлари ташкил этиш.

Сўх туманининг янги драйвери



Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши Сўх туманида ички ва ташқи туризм ривожланишига хизмат қилиб, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳоли даромадларининг ошишига замин яратеди.

Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун Фаргона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор **Сардорхон СОДИҚҲОҶОНОВ** вилот Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиги **Бекзод РАХИМОВ** билан суҳбатлашди.

– Президент раислигида видеоселектор йиғилишида Сўх тумани иқтисодий ривожланишида туризм асосий драйвер қилиб белгиланди. Бу борада қандай вазибалар қўйилди?

– Йиғилишида мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини ошириш, хизматлар соҳасини кенгайтириш бўйича муҳим вазибалар белгилаб олинди. Шу доирада Сўх туманида туризмни иқтисодий ривожланишининг асосий қўзғатувчи кучи сифатида ривожлантиришга алоҳида устуворлик берилди.

– Айтиш мумкин бўлганда туризм инфратузилмаси қандай ҳолатда?

– Сўнги йилларда туристлар оқими сезиларли ўсди. Масалан, 2024 йилда 70 минг турист келган бўлиб, бу 2021 йилга нисбатан тўрт баробар кўпдир. Шундан, 7,5 минг нафари хорижий, 62,5 минг нафари маҳаллий сайёҳлар. Аммо хизматлар инфратузилмаси ҳали етарли

эмас. Туманда ҳозирча 3 та хостел ва 3 та оилавий меҳмон уйи фаолият юритиб, жами 90 ўринга эга. Шу сабабли сайёҳлар асосан 1-2 кунга келиб кетмоқда.

– Турист хизматларини ривожлантириш учун қандай лойиҳалар бошланди?

– Тумanning табиати ўта гўзал: баланд тоғлар, тоза ҳаво, булоқлар, дарё-сойлар, ўрмонзорлар. Шу салоҳиятдан келиб чиқиб, Сўх дарёсининг туман марказига туташ 5 километр қисмида жойлашган Сариканда, Ровон ва Истиклол маҳаллаларида 130 гектар ҳудудни қамраб олувчи мастер-режа ишлаб чиқишмоқда. Бу ерда курорт-соғломлаштириш комплекслари, дам олиш масканлари, кўнгилочар объектлар барпо этилади.

– Лойиҳанинг асосий йўналиши тиббий туризм деб айtilди. Бу ҳақда ҳам маълумот берсангиз.

– Албатта, Сўхда тиббий туризмни ривожлантириш учун улкан имконият бор. Сўнги 7 йилда 14 та хусусий клиника очилди ва улар нафақат маҳаллий аҳолига, балки қўшни Қирғизистон фуқароларига ҳам хизмат қилмоқда. Охириги уч йилда тиббий хизмат ҳажми қарийб 4 баробар ошиб, 2 миллиард сўмга етди.

Биз яратётган кластерда қуйидагилар жамланади:

- соғломлаштириш ва реабилитация марказлари,
- физиотерапия ва лабораториялар,
- доривор маҳсулотлар логистика хаби,
- тиббий таълим курслари.

Бундай интеграция туристлар оқимини кўпайтириб, Сўхни тиббий туризм марказига айлантиради.

– Тарихий меросни тиклаш ва зиёрат туризмни ривожлантириш ҳам режага киритилганими?

– Албатта, Сўх икки минг йиллик тарихга эга. Бу ҳудудда "Хазрати Али", "Ҳожаи Қулфи Занжирқушо", "Султон Маҳмуд Ғазнавий" каби зиёратгоҳлар, Бобурномада тилга олинган "Тош ойна", шунингдек, жаҳон илм-фанига маълум "Селенгур гори" мавжуд. Маҳаллий тарихчи олимлар билан ҳамкорликда ушбу масканларни тадқиқ қилиш ва тиклаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқишмоқда.

– Экотуризм бўйича ҳам режалар бор экан. Бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилади?

– Сўхнинг энг ноёб жойларидан бири – "Минг булоқ". Бу ерда юзлаб булоқлар билан, "Қули Зардак" сойини ҳосил қилади. Ҳозир "Булоқлар парк" концепцияси ишланмоқда. Ушбу ҳудуд экотуризм учун юқори салоҳиятга эга бўлиб, табиатни асраб-авайлаган ҳолда махсус дам олиш масканлари ва йўлақлар барпо этилади.

– Келгуси йилги асосий мақсадлар қандай?

– Асосий мақсад – Сўхни Шарқнинг янги туристик марказларидан бирига айлантириш. Туристлар оқимини янада кўпайтириш, хизматлар турини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш устувор вазифамиз.

Зоминда яна битта дам олиш маскани барпо этилди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Туризм соҳаси дунё миқёсида ижтимоий иқтисодиётни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшаётгани сир эмас. Охириги йилларда давлат раҳбарининг эътибори туфайли мамлакатимизда ҳам мазкур йўналишда жуда катта ишлар қилиниб, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун зарур шароитлар яратилган.

Хусусан, Зомин туманида бу борада амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу ишлар натижасида туман инфратузилмаси тубдан янгиланди. Равон йўллари, меҳмонхоналару хостеллар, 3 минг метр баланликда жойлашган дор йўли, замон талаби даражасида бунёд этилган аэропорт ва бошқа кўплақ кулайликлар сайёҳларга муносиб хизмат кўрсатмоқда.

Тоғлар бағрида туризм инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар асосида жадаллик билан давом этаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари йил сайин ривожланаётгани айниқса, эътиборга лойиқдир. Жумладан, Олмалик кон-металлургия комбинати ташаббуси билан Зоминда яна битта янги дам олиш маскани қурилиб, фойдаланишга топширилгани фикримизнинг исботидир.

Ушбу маскан тоғ бағрида бунёд этилган 5 гектар ер майдонида бунёд этилган ва бир вақтнинг ўзига 180 нафар кишига хизмат кўрсатиши имкониятига эга. Уни барпо этишда комбинат тасаруфидоги "Олмаликметаллургия" трести ҳамда "Осиё қурилиш имкон сервис" масъулияти чеклан-



ган жамияти жамоалари жонбозлик кўрсатиши. Замонавий бинодан кутубхона, ўқув зали, муложа хонаси, сауна ва ёпиқ чўмилиш сув ҳавзаси, дам олиш учун шийпончалар, болалар ўйингоҳлари, футбол майдони, автотураргоҳ ҳамда автотранспортларга хизмат кўрсатиш биноси, кўнгилочар дастурларга мослаштирилган алоҳида бино, икки қаватли ошхона жой олган. Муҳими, мавжуд биноларда энергосамардорликни ошириш мақсадида уларнинг ташқи фасад қисми базальт материали билан қопланиб, ён-атрофида ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари учун умумий қиймати 80 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, айтиш мумкин бўлганда 78 нафар иш ўрни яратилган бўлиб, комбинатнинг ишчи-ходимлари қаторида сайёҳлар ҳам бу ерда яратилган барча имкониятлардан фойдаланади.

Тоғли массивда сайёҳлик манзили қурилмоқда

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида ҳам сайёҳлик манзилларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Воҳода туризм марказларидан бири ҳисобланган Шаҳрисабз шаҳридан бошлаб Китоб, Яккабоғ, Қамаш ва бошқа туманларда шу йўналишдаги лойиҳалар кетма-кет ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Туризм масканлари кенгайтириш сари, натижа ҳам шунга муносиб бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзига хорижий мамлакатлардан 1,5 мингдан ортиқ ҳамда 24 минг маҳаллий сайёҳ ташриф буюриб, ҳудудлардаги осори-атиқалар ва табиий манзаралардан баҳраманд бўлишган. Айтиш мумкин бўлганда бу борадаги ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, Қамаш туманидаги "Майданак" обсерваторияси ҳудудида яна бир муҳим лойиҳа асосида ишлар бошлаб юборилди.

Маълумот ўрнида, ушбу маскан денгиз сатҳидан 2 700 метр баланликда жойлашган ва дунёда астроклимат жиҳатидан 3-ўринда туради. Асосийси эса, нафақат сайёҳлик, балки бу ердаги обсерватория орқали илм-фан салоҳиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда лойиҳага асосан қурилиш ва бунёдкорлик ҳамда кенг қўламли реконструкция ишлари давом этмоқда.

Ушбу мажмуада олиб борилаётган барча савий-ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосан амалга оширилган. Айтиш мумкин бўлганда қурувчиларнинг шижоати туфайли бир қанча объектда дастлабки натижалар кўзга ташланмоқда. Лойиҳа уч йил давомида тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Жорий йил охирига қадар эса 20 та ёғоч уй, меҳмонхона ҳамда битта ресторан қурилиб, иккита телескопда таъмирлаш ишлари якунланади.

Тарихий тараққиёти жиҳатидан Қамаш тумани ҳам вилоятдаги қадимий ҳудудлардан бири бўлиб, экотуризм, зиёрат туризми ва растротуризм йўналишларида жуда катта имкониятларга эга. Майданакдаги мазкур лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, келгусида хорижий туристлар сонини 10 минг нафарга, маҳаллий саяҳатчилар сонини 54 минг нафарга етказилиши назарда тутилган. Тоғдаги туризм масканига олиб борадиган йўллари талаб даражасига келтириш масаласи йўлсозлар томонидан ижобий ҳал қилинмоқда.

Бунёд этилаётган объектлар орасида яна бир муҳим лойиҳа устида иш бошлаб юборилди ва у келгусида барча сайёҳларга қийинчиликларсиз келиб-кейтиш учун вертолёт ҳаракатини йўлга қўйиш мақсадида махсус кўниш-учиш майдончаси барпо этилган.

– Замон талабига тўла мос келадиган сайёҳлик маскани мусаффо ҳаво-сув табиий гўзаллиги билан ҳар қандай кишини ўзига жалб қилади, - деди ҳам бу борадаги ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, Қамаш туманидаги "Майданак" обсерваторияси ҳудудида яна бир муҳим лойиҳа асосида ишлар бошлаб юборилди.

Мажмуот ўрнида, ушбу маскан денгиз сатҳидан 2 700 метр баланликда жойлашган ва дунёда астроклимат жиҳатидан 3-ўринда туради. Асосийси эса, нафақат сайёҳлик, балки бу ердаги обсерватория орқали илм-фан салоҳиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда лойиҳага асосан қурилиш ва бунёдкорлик ҳамда кенг қўламли реконструкция ишлари давом этмоқда.

Ушбу мажмуада олиб борилаётган барча савий-ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосан амалга оширилган. Айтиш мумкин бўлганда қурувчиларнинг шижоати туфайли бир қанча объектда дастлабки натижалар кўзга ташланмоқда. Лойиҳа уч йил давомида тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Жорий йил охирига қадар эса 20 та ёғоч уй, меҳмонхона ҳамда битта ресторан қурилиб, иккита телескопда таъмирлаш ишлари якунланади.

Тарихий тараққиёти жиҳатидан Қамаш тумани ҳам вилоятдаги қадимий ҳудудлардан бири бўлиб, экотуризм, зиёрат туризми ва растротуризм йўналишларида жуда катта имкониятларга эга. Майданакдаги мазкур лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, келгусида хорижий туристлар сонини 10 минг нафарга, маҳаллий саяҳатчилар сонини 54 минг нафарга етказилиши назарда тутилган. Тоғдаги туризм масканига олиб борадиган йўллари талаб даражасига келтириш масаласи йўлсозлар томонидан ижобий ҳал қилинмоқда.

Бунёд этилаётган объектлар орасида яна бир муҳим лойиҳа устида иш бошлаб юборилди ва у келгусида

Ўз мухбиримиз.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоят, (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожидин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдах Мағрупов, Бобир Эмүрдов, Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод Жалолов

Бош муҳаррир ўринбосари Райҳона Хўжаева

Саҳифаловчи Акмал Маҳкамов

Мусакххх Марҳамат Мусулмонкулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎЗАГШКЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-10-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фаргона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 1241.
1748 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Этамбердиев.

ЎзА якуни – 22.25.
Тошшириқ – 23.00.